



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 3 май, чоршанба № 77 (2126)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ҲОМИЙЛИК - ХАЙРЛИ ИШ

Олмалик шаҳридаги ўн минг ўринли «Металлург» стадионида катта хайрия концерти бўлиб ўтди. «Ўзбекинаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда таниқли хонандлар, сўз усталари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Хайрия концертидан тушган маблағ шаҳардаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ҳамда кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадларига сарф этилади.

ПРЕЗИДЕНТ ПОКИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 май кўни расмий ташриф билан Покистон Ислам Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдидан давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

Покистон Жанубий Осиёдаги иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий-техникавий салоҳиятга эга йирик мамлакатлардан бири, - деди Ислам Каримов. - У нафақат минтақавий, балки халқаро даражада ҳам юксак нуфузга эга. Покистон жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлашга қаратилган кўплаб муҳим халқаро масалаларда, жумладан, қўшни Афғонистонда барқарорликни қарор топтириш, унинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаси тикланишида фол иштирок этиб келаётир.

Музокараларда кўшни Афғонистондаги тиклаш ишларида Афғонистон билан Покистоннинг биргаликдаги иштироки юзасидан ҳам келишиб олинди. Бинобарин, Афғонистонда тинчлик қарор топмас экан, минтақада хавфсизликни таъминлаш қийин. Ўзбекистон - Покистон муносабатлари турли соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Бирок,

ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳоли икки томонини ҳам қониқтирмайди, - деди Ислам Каримов. Покистон раҳбарияти билан учрашувларда шу масалалар ҳам кўриб чиқилади. Бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш томонлар манфаатларига тўла мос келади. Иқтисодий тараққиётга эришишда транспорт ва коммуникация алоҳида ўрин тутди. Мазкур соҳада ҳамкорликни кенгайтириш эса муҳим вазифалардан. Покистоннинг Карочи ва Қосим дегиз портлари, шунингдек, бунёд этилаётган улкан Гвадар порти орқали биз Ҳинд океанига чиқиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин. Президентимизнинг ушбу расмий ташрифи Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигини янада босқичга кўтариши шубҳасиздир.

(ЎЗА)

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Исломобод, 2 май (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Бугун Президент Ислам Каримов Покистонга етиб келди. Пойтахт Исломобод аэропорти ва кўчалари икки давлат байроқлари, Ўзбек, урду ва инглиз тилларидаги шиорлар билан безатирилган. Ислам Каримов мухташам «Серена» меҳмонхонасига жойлашди. Икки кун давомида бу маскан Ўзбекистон раҳбарининг қароргоҳи бўлади.

Покистон Президентининг «Айвони Садр» қароргоҳида Ўзбекистон Президенти расмий кутуб олиш маросими бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Покистон Ислам Республикаси Президенти Парвез

Мушарраф шохсунага кўтарилиди. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Маросимдан кейин Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг яккама-якка учрашуви бўлди. Томонлар икки томонлама муносабатлари янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни

кенгайтиришга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Ислам Каримов ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати, мавҳуд ижобий ҳамкорликни ривожлантиришга интилишлари муштарак эканлигини далолат беришини таъкидлади.

Парвез Мушарраф бугунги мулоқот Ўзбекистон-Покистон алоқалари мунтазамлигини олаётганини қўрсатишини, ўтган йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликка янги суръат бахш этганини қайд этди ва Исломобод музокаралари икки мамлакат манфаатларига мос келадиган янги келишувлар билан яқунлашишига ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Покистоннинг ҳамкорлиги янги суръат билан ривожланмоқда. Исламобод ўзининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини кенгайтиришда Ўзбекистонга алоҳида аҳамият қаратади. Бундан давлатларимиз раҳбарларининг кўпгина сиёсий масалаларда ҳамкорлиги яхши асос бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Бугунги кунда бирон-бир соҳа йўқки, касаба уюшмаларининг кенг қамровли фаолияти кўзга ташланмаётган бўлса. Мехнатчиларнинг ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдек олижаноб мақсадларни амалга ошириб келаётган бу нуфузли ташкилот кейинги пайтда омма орасига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Кўпчиликнинг яқин таянчи, ишончли ҳамкорига айланаяпти: катор савобли ишларга ҳам бош-қош бўлиб, эл меҳрини қозонмоқда. Одамларнинг дуосини олаяпти.

Кўпчилик яхши эслайди: 2003 йилдан бошлаб касаба уюшмалари сихатгоҳларида уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг соғлигини тиклашга янада жиддий эътибор берилди. Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликдаги элчихонаси ҳамийлиги ва ташаббуси билан рус маданияти марказининг бевосита иштирокида амалга оширилган бу янгилик юртимизда яшаётган ҳар бир кекса авлодга алоҳида мамнулик бағишлади. Уларнинг бир қисми элчихонанинг бепул йўлланмалари билан энг яхши санаторий ва курортларда ўз саломатликларини тиклаш имкониятига эга бўлишди. Эндиликда бу хайрли ишининг кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарлари ва Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимларининг уруш ва меҳнат fronti фахрийлари билан кўни кеча бўлиб ўтган учрашуви катта шодийнага айланиб кетди. Унда ҳозир бўлган табаррук



«Ишонч»га жавоб берадилар ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 4 феврал сонидида «Ажаб савдолар» рўқни остида «Фирромлик» номи танқидий мақола чоп этилган эди. Унда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги А.Бердиқуллов номи ширкат ҳўжалигини фермер ҳўжаликларига айлантириш танлови жарайнида айрим масъул кишиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари аниқ мисоллар асосида танқид қилинган эди. Ушбу мақолага қуйидаги жавоб хатини олдик:

«Иштихон туманидаги А.Бердиқуллов номи ширкат ҳўжалиги неғизда фермер ҳўжаликлари ташкил этилиши жараёнида Т.Ҳасанов 10-лойиҳага ариза берганини аниқланишига ва ушбу лойиҳа бўйича танлов ҳўжатлари ўрганилганида Т.Ҳасановга ва танлов ғолиби А.Қўбаевларга Низом талаблари асосида балл қўйилмаганини аниқланди. Ҳўжаликнинг натижаси бўйича қайта ташкил этиш комиссияси номига танловни қайта ўтказиш юзасидан тақдимнома киритилди. Бундан ташқари, Т.Ҳасанов томонидан тақдим этилган ҳўжатлар сохталаштирилганини инобатга олган ҳолда ўрганиб чиқиш учун вилоят прокуратурасига юборилди.»

Ш.САИДОВ, Республика Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

ганидан фахрланамиз, - деди у. Ўзбекистон ҳўкумати иккинчи жаҳон уруши фахрийларини доимо эъзозлаб, ижтимоий ҳимоя олган. Бунга қўшимча равишда Россия ҳўкуматининг алоҳида эътибори боис унинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан бизда яшаб, истиқомат қила-

РОССИЯ ЭЛЧИХОНАСИ ҲОМИЙЛИГИДА

мамлакатимиздаги юз нафар уруш ва меҳнат фахрийларига касаба уюшмаларининг энг яхши санаторийларида ҳордиқ чиқаришлари учун бепул йўлланмалар тарқатилди



отахон ва онахонларнинг чехраларидан нур ёғилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, уларнинг ҳеч бири оддий одамлар эмас, балки урушни қўрган, эришилган мислсиз галаба учун хаттоки жонини аямаган, фронт ортида худди фронтдагидек жарорат кўрсатган фидойи инсонлардир. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» ва иккинчи жаҳон урушида қозонилган галабанинг 61 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Содиқов очиб, барча фахрийларни кутлуг байрам билан самимий муборакбод этди. — Бу галабага фахрийларимизнинг бекис хиссаси қўшил-

ётган фахрийларга катта эътибор қаратмоқда. Иккала давлат Президентлари томонидан Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартнома ва бошқа бир қатор муҳим ҳўжатлар нафақат Россия, балки Ўзбекистон учун ҳам кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, касаба уюшмалари қошидаги Курортлар бошқармаси икки халқ ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш учун катта ишларни амалга оширмоқда. Хар йили Россия Федерациясидан келган юзлаб фуқаролар рес-

ният марказининг амалий саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозирги пайтгача 1430 нафар фахрий касаба уюшмаларининг энг яхши санаторийларида бепул дам олиб, ҳордиқ чиқарди, саломатлигини тиклади. Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари билан бўлган учрашувларда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси масъалачиси Владимир Кузнецов, Ўзбекистондаги рус маданияти маркази раиси, Олий Мажлис Сенати сенатори Светлана Герасимова иштирок этди. Улар икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётганлигини алоҳида эътироф этишиб, уруш ва меҳнат fronti фахрийларини яқинлашиб кела-

Тадбир

ётган айём билан қутладилар. Шундан сўнг учрашувларда ҳозир бўлган юз нафар фахрийга Россия элчихонасининг Ўзбекистон касаба уюшмаларига қарашли энг яхши санаторий ва курортларда даволанишлари учун бепул йўлланмалар топширилди.

— Қўвончимнинг чеки йўқ, - дейди учрашув қатнашчиси, иккинчи гуруҳ уруш ноғирони Пётр Корачков биз билан суҳбатда. — Галабани Прагада нишонлагандим. Мана, орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Аммо хизматларимизни ҳеч ким унутмабди. Бунинг учун ташкилотчилардан ҳам, ҳомийлардан ҳам миннатдорхон.

Бу ерда кексалар, фахрийлар ҳаммиша шундай эъзозу эътиборга сазовор. Уларнинг мислсиз жасорати, Ватан олдидаги бекиёс хизматлари асло унутилмайди. Ешларни шу оқибат ва оқибат Ватанимизни севишга, мустакиллигимизни авайлаб-асрашга, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келахатини таъминлашга доимо руҳлантириб туради.

Зеро, савоб ишни ҳар ким, ҳар кунни қилиши керак. Биз ҳадемай Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаймиз. Улуғ айём, бу унутилмас сана қалбларимизни қувончга тўлдиради. Ахир



Рустам АХМАДАЛИЕВ, «Ишонч» мухбири Суратларда: учрашувдан лавҳалар.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Фаоллар ҳақида ҳикоялар

ЗАҲМАТЛАРИНИГ ҲАЛОВАТИ БОР

Одамларнинг ҳўзурига хизматига қамарбаста бўлиш учун ошиқнинг ўзи бир бахт. Агар шу одамлар сени ҳаммиша ҳўшол кутиб олишса, бундан зиёда иззат бўлмайди. Анара опа ана шундай эъзозга сазовор бўлганлардан бири.

Турмуш ташвишлари тақозоси ўлароқ меҳнат фаолиятини бошлаганида, у эндигина ўн олти ёшда эди. Орадан икки йил ўтиб, Анара Каттақўрғондаги ёғ-мой комбинатига ишга келди. Устозларининг маслаҳати ва уйдагиларнинг қўмаги билан имкон топиб, Янгийул озиқ-овқат техникумида махсус йўналиш бўйича сирдан таҳсил олди. Орадан йиллар ўтди. У иш ўрганди, ҳаётни билди, одамларни таниди. Ишнинг оддий ишчиликдан бошланган Анара Қодирова 25 йил мобайнида тармоқ технологи лавазимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу орада жамият янгилади, ислохотлар амалга оширилди, меҳнат муносабатларида янгича ёндошувлар жорий этилди.

Корхона касаба уюшма қўмитасининг ўша вақтдаги раиси нафақага чиқадиган бўлган, жамоа олдида бу лавозимга қимни сайлаш муаммоси кўндаланг турарди. Чунки йиллар давомида эришилган натижаларни янада юқорирак босқичга кўтариш керак эди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат муносабатлари янги шаклда қарор топган ҳозирги даврда касаба уюшма етакчиси биллими ва қатъияти бўлмаса, ишни ташкил этиши қўйинлиги аён. Гарчи ҳисобот-сайлов йиғилишида касаба уюшма қўмитасининг фаолияти қониқарли, деб топилган бўлса-да, ишнинг айрим соҳаларида жиддий нуқсонлар борлиги танқид қилинди. Бу гаплар кўпроқ маданият ва спорт, маънавият, ижтимоий ҳимоя масалаларига тааллуқли эди. Йиғилишда айтилаётган гапларни диққат билан тинглаб ўтираркан, Анара Қодирова бу муаммоларни ҳал этиш, белгиланган тадбирларни амалга ошириш ўзининг чекига тушишини ҳали билмас эди.

(Давоми 2-бетда)

ХАРИДОРГИР ВА СИФАТЛИ

Жиззах шаҳрида шифер ишлаб чиқарадиган янги корхона иш бошлади. Тадбиркор Мансур Холматов раҳбарлик қилаётган «Шарк юлдузи» ҳўсусий фирмаси собиқ қурилиш материаллари корхонасининг ташландиқ цехларидан бирини қайта таъмирлади. Бир юз эллик миллион сўм маблағ эвазига замонавий технология сотиб олинди. Бир сменада минг дон шифер ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхонада йигирмадан зиёд ишчи меҳнат қилаяпти.

Ҳозирданок корхонанинг сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотига мактаб ва коллежлар қурилишидан, шахсий уй-ҳўкурвчилардан кўплаб буюртмалар тушмоқда.

(ЎЗА)

Қарши муҳандислик-иқтисодий институтида 2500 нафарга яқин талабалар таълим олишди. Республика мактаб ўқувчиларининг «Умид нахшлари — 2006» мусобақалари арасида или даргоҳидаги 1- ва 2-талабалар турар-жойлари кайтадан таъмирланиб, бутунлай янги кибфа касб этди.

— Мазкур ётоқхоналар 300 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир хонада икки, уч ва тўрт киши дам олади, — дейди институт ходимлари ва талабалар бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Мейли Сафаров. — Жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозланган турар-жойларни кўриб кўз қунаёди. Бир ҳафта мобайнида ёш спортчилар мусобақалардан сўнг маданий дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Дарвоқе, мусобақаларнинг ўсмирлар ўртасида ўтказилган кўп тўпни ҳамда спорт гимнастика турлари институт спорт залида бўлади. Шу боис спорт мажмуаси қайтадан таъмирланди. Камолот ва гўзаллик байрами арасида институтда катта хажмдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди. 15 миң тўлдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Чиройли, бежирим питалардан терилган

йўлакчалардан борар экансиз, кўнглингиз ярайди. Олимпия заҳиралари спорт коллежи ўйингоҳи рўпара-сидаги дарвоза қайта таъмирлангандан сўнг янада қўрамлашиб кетди.

адарё соҳили» сихатгоҳида «Умид ниҳоллари — 2006» иштирокчилардан 70 киши жойлаштирилди. Иштирокчилар дам олиш соатларини мазмуни ўтказишлари учун турли маданий ва маънавий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Университет қошидаги академик лицей спорт залида мусобақаларнинг қизлар ўртасидаги волейбол ҳамда шахмат турлари ўтказилди. Шунингдек, «Нуристон» академик лицейи, банк коллежи, Олимпия заҳиралари коллежининг спорт манежи, Ақбўрот тех-

нологияси коллежи спорт заллари мусобақаларни кўтаринкилик билан ўтказиш учун шай қилиб қўйилди.

Еш спортчиларни мусобақа жойларига етказиш учун 71 та автобус, 30 дан ортиқ энгил автомашиналар ажратилди. «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақаларини кўтаринкилик билан ўтказиш уларнинг мазмуни дам олишлариға кўп жиҳатдан боғлиқ. Спортчиларға яратиб берилган маданий тадбирлар уларни галабага чорлайди. Спортчилар учун республика ва вилоятнинг таниқли санъаткорлари, халқ этнографик гуруҳлари иштирокчиларининг кенг дастурдаги концертлари намойиш этилади. Еш расмоларнинг қўрғазмаларини намойиш этиш ҳам ушбу дастурдан ўрин олган. Иzzат ХИКМАТОВ, Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» махсус мухбирлари



**Ахборот
ҲУҚУҚИЙ
САВОДХОНЛИК САРИ**

Республика алоқа ходимлари қасаба уюшма Марказий кенгаши Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда тармоқ корхона ва ташкилотлари ҳамда қасаба уюшма фаолларининг ҳуқуқий маданиятларини ошириш мақсадида турли тадбирларни ўтказмоқда. Тошкент шаҳри, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ана шу мақсадда семинарлар ўтказилди.

«Ўзбекистон почтаси», «Тошкент таксофони», «Тошкент шаҳар телефон тармоқлари» ҳамда «Тошкент почта» каби жамоаларда ўтказилган амалдаги қонунчиликни тарғиб этиш ва ўрганиш бўйича суҳбатлар, ўқув машғулотлари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

УСТОЗ МАВҚЕИ

ҳар нарсадан улғ

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари қасаба уюшма Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакиллиги томонидан кейинги вақтда турли кўрик-танловлар ўтказилмоқда. «Моҳир ҳайдовчи», «Ёшлар устози» каби тадбирлар шулар жумласидандир. Булар меҳнат фахрийларининг ёшларга устозлик қилиш, хўнар ўргатиш ва тарбиялашдаги мавқеларини оширишда ниҳоятда кўл келаяпти.

Шунингдек, вилоят тармоқ ишчи-хизматчиларини диспансеризациядан ўтказиш, касалхоналарда даволанишлари учун етарли шароит яратиш бериш ҳам доимий диққат-марказида. Тармоқ меҳнатқашларининг 80 нафар санитарий-профилактика тарғиб ва дам олиш уйларида ўз соғлиқларини тиклаганликлари ҳам фикримиз далилидир.

**ТАРМОҚ СПОРТЧИЛАРИ
ПЕШҚАДАМ**

Республикамиз авиацияси тараққиётида ва халқаро микёсда обрў қозонишида Тошкент Халқаро Аэропорти Давлат унитар корхонаси ҳам муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда. Айни пайтда бу ерда 3600 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

Биз ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолиятимизни муттасил равишда такомиллаштириб бормоқдамиз, — дейди Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси Азиза Арифбоева. — Улар ҳар йили тиббий куриқдан ўтказилмоқда. Фахрийлар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Меҳнатқашларни соғломлаштириш ҳамда спортга жалб этиш соҳасидаги тадбирларни мўлиявий қувватлаш мақсадида қасаба уюшма кўмитаси ҳисоб рақамига ҳар ойда иш ҳақи жамғармасидан бир ярим фоиздан ўтказиб келинмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббий-санитария бўлими, амбулатория меҳнатқашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Тошкент Халқаро Аэропорти ҳамда Олма-ота аэропорти ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш юзасидан шартнома тузилган. Ушбу спорт анжуманларида Тошкент Халқаро Аэропортининг спортчилари мунтазам равишда фахри ўринларни эгаллаб келияпти.

(Ўз мухбирларимиздан)



Самарқанд вилоят ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан ҳудуддаги автомобил йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қоидабузарликларни аниқлашга қаратилган тадбирлар намунали ташкил этилган.

Суратларда: вилоят ИИБ ЙХХБ 4-отряд ЙПХ инспектори, катта лейтенант Ибодулло Муҳаммадиев ҳаммасби капитан Анвар Қобилов билан хизмат пайтида; ЙПХ инспектор-кинолог, кичик сержант Уткир Жабборов «Меччи» лақабли хизмат ити билан автоулов юхонасини кўздан кечираяпти.

Акмал ХУДОЁРОВ олган суратлар

**ЗАМОНАВИЙ
БУЮМ БОЗОР**

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси тадбиркорлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Хивалик тадбиркор Раҳимбергян Юсупов шаҳарда янги буюм бозори ташкил этиш ташаббуси билан майдонга чиқди. Унинг ташаббусини Хива туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Натижада қисқа вақт ичида шаҳардаги ташландиқ майдон ўрнида янги буюм бозори қад ростлади. Янги «Хива Раҳмонберди» буюм бозори МЧЖ курилиши учун 100 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу ерда 150 та мўъжаз савдо шаҳобчалари ўрин олган. Шунингдек, ошхона, тиббиёт хонаси, милиция ҳамда солиқ таянч пунктлари ҳам фаолият юритмоқда.

«Туркистон-пресс»



МЕТАЛЛУРГЛАР САХОВАТИ

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури доирасида Жиззах вилоятида кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, барча жабҳалар бўйича бу йил ҳомийлар ва шифокорлар хайрия жамғармасига 10 миллиард 500 миллион 277 минг сўм маблағ келиб тушиши ва ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Бу жамғарманинг шаклланишига фермер хўжаликлари 1 миллиард 931 миллион сўмдан ортик, йирик корхона ва ташкилотлар 2 миллиард 750 миллион, туман ҳокимликлари 100 миллион, йирик савдо шохобчалари 10 миллион 800 минг, бозорлар 32 миллион 760 минг сўм маблағ билан ҳисса қўшишлари назарда тутилган.

Жамғарилган маблағ ҳисобига жойларда қишлоқ врачлик пунктлари, шифохоналар янгидан курилмақда, капитал реконструкция қилинмоқда

ва таъмирланаяпти. Керакли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Олмалик кон-металлургия комбинати жамоасининг хайр-саховат ишлари, айниқса, таҳсинга сазовордир. Улар яқинда Фориш туманидаги «Банд» шаҳарчаси шифохонасига «Дамас» русумли автомашина совға қилишди. Металлурглarning яна бир ҳомийлиги шифохонани капитал таъмирлашга маблағ ажратганлигидир.

Шу тумандаги Гараши қишлоқ участка шифохонасига вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан УАЗ русумли янги «Тез ёр-

дам» автомашинаси совға қилиниши ҳам қувончли ҳол, албатта.

Туман марказий шифохонасида 150 миллион сўмлик мукамал таъмирлаш ишлари бажарилди. Сўнгги йилларда 25 та қишлоқ врачлик пунктлари янгидан курилди ёки реконструкция қилинди. Улар замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ўз имкониятимиз ҳисобидан туғруқ мажмуасини жорий таъмирдан чиқарамиз, — дейди шифохона бош ҳақими Авазхон Бегиев. — Шунингдек, шифохона қошида спорт-соғломлаштириш маркази барпо этиш ниятимиз бор.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ
БИРЛАШМАЛАРИДА
КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ
УЧУН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»
Тўғрисида МАЪЛУМОТ**

Т/р	Ишонч телефони жойлашган манзилгоҳ	Ишонч телефоннинг рақами ва иш вақти
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри, А.Темур кучаси, 120-уй	(8-361) 222-70-31 душанба — жума 9.00 - 13.00 14.00-18.00
2.	Андижон шаҳри Навоий шох кучаси, 32-уй	(8-3742) 225-56-42 9.00 - 18.00
3.	Бухоро шаҳри Навоий шох кучаси, 3-уй	(8-365) 223-54-87 9.00 - 14.00 223-53-78 14.00 - 18.00
4.	Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кучаси, 14-уй	(8-3722) 226-31-25 душанба-сешанба 9.00 - 18.00 226-30-51 чоршанба-жума 9.00 - 18.00
5.	Навоий шаҳри Меъморлар кучаси, 33-уй	(8-4362) 226-01-15 душанба-жума 9.00 - 18.00
6.	Наманган шаҳри Озодлик кучаси, 14-уй	226-85-98 8.00 - 15.00
7.	Самарқанд шаҳри Қуқсарой кучаси, 2-уй	(8-3662) 35-47-08
8.	Гулистон шаҳри Мустанкилик кучаси, 60-уй	(8-3672) 25-14-02 9.00 - 18.00
9.	Термиз шаҳри Ф.Хужаев, 17-уй	(8-376) 223-56-59 8.30 - 17.30
10.	Тошкент шаҳри Бухоро кучаси, 24-уй	(8-3712) 56-86-76 9.00 - 18.00
11.	Тошкент шаҳри Бухоро кучаси, 24-уй	(8-3712) 152-34-12 9.00 - 18.00
12.	Фарғона шаҳри Ал-Фарғоний кучаси, 7-уй	(8-3732) 224-80-16 душанба - жума 9.00 - 18.00
13.	Урганч шаҳри А.Баходирхон кучаси, 182-уй	(8-362) 226-44-66 душанба - жума 9.00 - 18.00
14.	Қарши шаҳри Ўзбекистон кучаси, 243-уй	(8-37522) 25-22-65 душанба - жума 9.00 - 18.00

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Юридик бўлими

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ**

**Қарши шаҳрида 4-9 май кунлари ўтказиладиган
«Умид ниҳоллари-2006» мусобақалари иштирокчиларини қизғин
табриклайди**



Ижтимоий ҳимоя

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшма вакилликка каттагина бир мақсад ўқитувчисидан моддий ёрдам сўраб ёзилган ариза тушиди. Вақил ариза муаллифини яқиндан таъмир эди. Аризани ўқиб, тааж-жубланди. Сабаби, ана шу муаллим ҳақиқатан ҳам узок йиллардан буён таълим соҳасида ишлаб келар. жуда кўп шогирдларни тарбиялаб вояга етказган. Қолаверса, ўзига тўқ, оиласидан, бола-чақаларидан тинган аҳойиб бир инсон эди.

Тармоқ ходимлари касабга уюшма туман вакили Шарофиддин Зукур-хўжаев дарҳол вакиллик аъзоларини чақириб, ариза мазмуни билан таниш-тирди. Аъзолар ҳам ҳайрон. Шундай бўлса-да, уларга муаллим фаолияти билан танишиш, оила-сини, унинг муаммолари билан қизиқиб, маълумотлар етказиш вазифасини топширди. Ниҳоят, кўми-та аъзоларининг маълумот ва ахборотларига асосан муаллимнинг ариза-сини қондирилди. Маълум бўлишича, муаллим қаттиқ бетобланиб қолган.

Туман касабга уюшма кўмитаси таълим муассасалари ишчи-хизматчиларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишларни амалга ошир-япти. Жумладан, 2004 йилда жами 36 нафар ишчи-хизматчи дам олиш уйлари, сикатхона, санаторий ва профилакторийларга юборилди. Шундан 15 нафарига турли сикатхоналар-га, 4 нафарига дам олиш

қарорлари ижросини таъминлаш, ўз касбига лаёқатли иқтидорли ўқитувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат интизомии талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш ҳамда турли маданий-маиший шароитларни яхшилаш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди.

Ўтган йили 90 нафар касабга уюшма аъзоларининг фарзандлари ёзи таътилда оромгоҳларда дам олдирилди. Бундан ташқари, 1, 4, 13, 15, 30, 31-умумий ўрта таълим мактаблари қошида туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, шир-кат хўжаликлари, ҳалқ таълими бўлими ва ҳомийлар ёрдами билан оромгоҳлар очилди. Улар-га 800 нафар ўғил-қиз

Эъзозлининг қадри баланд

Зарур дори-дармонларни олишга бироз қийналган экан. Ҳа, касабга уюшмаси фаолларининг оқило-на ҳаракатлари билан яна бир инсонга маънан ва моддий ёрдам кўрсатил-ди.

Дарвоқе, таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Тошкент вилояти кенга-шининг Паркент тумани бўйича вакилликда зах-маткаш соҳа ходимлари-нинг ана шундай моддий-маънавий, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатлари ҳимояланиб, зарур пайт-да берадир ёрдам уюшти-рилди. Бугунги кунда касабга уюшма вакилликда туман ҳалқ таълими бўли-мига қарашли барча таъ-лим муассасаларининг пе-дагог-ҳодимлари ва ишчи-хизматчилари касабга уюшма аъзоси ҳисоблана-ди. 19 та бошланғич ҳамда туман ҳалқ таъли-ми бўлими касабга уюш-масига қарашли 49 та цех ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами 4589 нафар уюшма аъ-золари меҳнат қилишади. Шундан 2949 нафари аёл-лар, 60 нафари айни вақ-тда ишлаётган нафақадор-

уйларига, 17 нафарига са-наторий-профилакторий-ларга йўлланма берилди. 2005 йилда эса 40 нафар уюшма аъзоларининг тала-би қондирилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 8 нафар касабга уюшма аъзоси ўз соғлиқларини тиклаб қайтидилар.

Тармоқ касабга уюшма ва-килликка тушаётган муро-жаатларнинг аксарият маз-муни оилавий аҳоли, иқти-содий қийналганлик тўғри-сида ёки турли сикатхо-наларга йўлланма олиш ҳақида ёзилган. Касабга уюшма вакиллик ишчи-хизматчиларнинг талаб-ис-тақларини имконият дара-жасида қаноатлантириб бо-ряпти.

Шу билан бир қаторда касабга уюшмалари таълим муассасалари ишчи-хизмат-чиларидан туман ҳалқ таъ-лими мудири номига туш-ган аризаларни ўрганиб чи-қиб, тақлифлар бермоқда. Ўзбекистон Республика-сини Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таъ-лимини ривожлантириш Да-влат умумий миллий дасту-ри тўғрисида»-ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси-нинг бу борадаги қатор

жалб қилинди. Тармоқ хотин-қизлари ўртасида спорт мусобақа-лари ўтказилди. Волей-бол, шохмат-шашка, тен-нис, енгил атлетика тур-лари бўйича голиблар аниқланиб, касабга уюш-масининг қимматбахо сов-гадлари билан тақдирлан-дилар. Эраклар ўртаси-да волейбол бўйича ўтказил-ган вилоят миқёсида-ги турнирда фахри ўрини эгаллашга муваффақ бўлинди.

Хуллас, туманда таълим соҳасида янгиланиш, ҳуқуқий жамият қуриш сари илдам қадам ташлан-моқда. Бу борада таълим ва фан ходимлари касабга уюшма вилоят кенгаши-нининг туман вакиллик аъ-золари ҳам бир тан бир жам бўлиб ҳаракат қилиш-моқда. Асосийси, ҳар бир касабга уюшма аъзолари-нинг ижтимоий манфаатла-рини ҳимоя қилиш, улар-нинг талаб-истақларини рўй-бага чиқариш замон та-лаби даражасида олиб бо-рилаяпти. «Эъзозлининг қадри баланд» деб шунга айтсалар керак-да.

Абдузукор ҚОРАБОЕВ, журналист

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Банк-молия академияси таш-кил топганига ўн йил тўлди. Ўзбекистон Президентининг 1996-йилдаги Фармони асоси-да иш бошланган бу йирк ил-мий-ўқув даргоҳ мамлакатимиз-да банк-молия тизимини ун-чун етук ўрта ва юқори поғонали раҳбар му-тахассисларни тайёрлаш, шу орқали банк соҳасидаги амалий ва фундаментал масалаларни ҳал этиш мақсадида ҳар йили 100 нафардан ортиқ магистр-ларни тайёрлашга эришишмоқда.

Таълимда ўзини кўрсатган тингловчилар шу соҳа бўйича дунёдаги етакчи давлатларнинг банк, молия ва солиқ муассасаларида ўз билими ва амалий кўникмаларини оширадидилар. Япониянинг Молия вазирилик-да, Поляндиянинг Варшава банк институтида, Лондондаги Вест-минстр университетининг ортти-рилган бой таърибалар, айниқ-са, самарали бўлди. Люксем-бургнинг «Молиявий техноло-гияларни тарқатиш агентлиги» билан ҳамкорликда қатор ўқув-семинарлари ўтказилди.

Академияда «Лойиҳаларни молиялаш» факультетининг о-чилиши ҳоржий инвести-циялардан унумли фойдала-ниш имконини берди. Акаде-мия ҳузурида малака ошириш факультети ташкил этилиши эса республика банкларининг вило-ят, шаҳар ва туман бўлиmlари раҳбар ходимларини тайёрлаш ун-чун лухта замин ҳозирланди. Шу билан бирга республика Банклар ассоциацияси орқали академия Россия Банклар уюш-маси билан алоқа ўрнатди. Бу эса Россия Молия академияси етакчи олий ўқув юртлири билан ҳамкорликни янада яхши-лаяпти. Улардаги ёғи таъриба мактабларида академия тинг-ловчилари малака ошириш им-конига ҳам эга бўлидилар.

Ўзбекистон Банк-Молия ака-демияси ўзининг ўн йиллик са-насига бағйшлаб илмий тўлган-ни чоп этди.

Баҳром ФОЗИЛОВ

Яна баҳор келди. Камалак рангларга чулғанди ҳаёт. Айниқса, шoir қалбларнинг тугўнлари, бўҳронлари сарҳадсиз. Эҳтимол-ки, ушбу улғувор сoҳр, жозиба юраги ҳаста шoirни маҳв этган-ди. Энди у орамизда йўқ. Ҳазил-мутойибаларини, ширин, меҳ-рибон сўзларини соғиниб яшаймизда, афсус... Бастакор Абду-ҳошим Исмонлов гижжак чалганида нақ куйининг ўзига айланди. Ўзбекистон халқ шoirи Нормурод Нарзуллаевнинг эса ўзи, сўзи қўшиқ эди. Яқиндан билиб, бебаҳо Инсон эканлигига амин бўлган-ман. Нормурод ака эътиборли, меҳри дарё одам эдилар.

1990 йил. Сентабр ойининг бошлари эди. Тасодифан Норму-род акани «Санъат саройи»нинг ёнида учратиб қолдим. Қандай-дир, нотаниш генерал билан чак-чақлашиб турардилар. Мени кўриб, чехралари ёришиб кетди. — Сингилжоним, яхши юриб-санми? Қизларнинг соғ-саломати? Катта бўлиб қолмишандир? — Ҳа, албатта, эртага тўнғич қизимнинг туғилган кунини, — де-дим негадир, эсимга тушиб қол-гани учун бўлса керак. Нормурод ака шу тоб генерал танишига «ўзимнинг синглим, ҳам-шаҳрим» деб изоҳ берди. Сўнг: — Ие, ие, шундай дегин, умри узун бўлсин! Рохатини кўргин. Зифат ҳам бўлар, аҳир? — Албатта, 5-10 дугонан кела-ди. Қизимнинг ўртоқлари ҳам. Сиз ҳам келинг... Нормурод ака, бироз ўйланин-қираб қолди. — Манзилгоҳингни айт-чи!

Айтдим, кейин эса ўз йўлимга кетдим. Гапнинг рости ул зотинг манзилгоҳимни эслаб қолишга ва хонадонимга таширф буюришига асло ишонмагандим. Эртаси кунини туғилган кунини нишонлаш учун йил-ғилди. Қизчаларга бошқа хонада дастурхон тузадик. Ўзимиз эса га-пини гапга уладик, кўлфи дилимиз очилди. Тўсатдан кўнгирак жирин-глади. Дарвозани очиб, бошим ос-мон бўлди. Эшик ёнида катта гул-даста кўтариб Нормурод Нарзулла-ев билан Ҳожиакбар Шайхон тур-шарди. — Биз келдик, сингилжоним! — деди у киши одатдагидек ҳушчак-

Хотура уйғонса гўзалдир

қачлик билан. — Бош устига, ҳуш келибсизлар! Меҳмонларни бир уй тўла аёл турга олди. Гапнинг сираси аёллар орасида Нормурод Нарзуллаевнинг мухлислари кўп эди. Шoir илҳом-ланиб, жўшиб кетди. Пайдар-пай

Нормурод ака тўйхонага барвақт келишди. Наримон ака тўйни очиб берганларидан сўнг Нормурод ака шoirа Санобар Фахриддиновани бошлаб даврага чиқдилар.

— Бундан 16 йил муқаддам Ази-занинг туғилган кунини уйларига келувдим, бугун эса тўйида ўтириб-ман, — деб сўз бошладилар ва кўнгилни юксалтувчи оташин табрик сўзларини айтдилар ҳамда камна-да йўқ хислатларни бир-бир санаб ўтдилар. Аҳойиб, серваз шайрлар ўқиб, ҳаммининг вақтини ҳуш этди-лар. Пировардида кетаётган чоғи кузатиб чиққанларнинг барчасини кучиб, ўлиб хайрлашдилар. Қора-мағиз, оппоқ сочили ҳушфёъл, бе-ғараз киефаси кўнгил кўзгусида ана шундай муҳрларни қолди. Биз бу табаррук зот билан сўнгги бор кўри-шаётганимизни хали билмасдик.

Нормурод ака дунёдан ўтдилар. Устозим Наримон акани мунайитиб кетдилар. Сўнгги йиллар бир-бир-ларига суяниб юришганди-да, ахир... Аммо кўнжқлари янграмоқ-да, демак, унинг ўзи ҳам қўшиқ-ларига сингиб барҳаёт қўшиқ бўлиб қолди.

Шарофат НОРКУЛОВА, журналист



«МУНОЗАРА-КЛУБ» ДАСТУРИ АСОСИДА

Ҳадемай олий ўқув юртлири талаба ишлари-нинг ёғи таътиллари бошланади. Шу масъумда уларнинг яхши дам олишларини таъминлаш тад-бирлари кўришмоқда. Тошкент давлат авиация ин-ститути талабаларининг ёғи дам олишлари ҳам кўнгиликдагидек ўтади. Олий ўқув юртига қарашли оромгоҳларда хордиқ чиқаришни унумли ташкил этиш, маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб бориш бўйича аниқ режалар тузилган. Бу ва шун-га ўхшаш тадбирлар институтининг «Мунозара-клуби» томонидан амалга оширилмоқда. «Мунозара-клуб»и ўқув-маданий, экологик-ту-ристтик сайрлар уюштириш билан ҳам шуғулла-нади.

Тошкент Давлат Юридик инсти-тути қошидаги академик лицейда ёш авлодга замон талаблари асосида билим берилмоқда. Бу ерда ижти-моий фанлар ва чет тилларни чу-қур ўргатишга аҳамият қаратилаяпти. Таърибали ва билимдон педагоглар кўргазмали қуроллар ёрдамида дарс ўтишни йўлга қўйишган. Шунинг-эса, ўқувчилар замонавий компью-терлар билан бемалол тиллашиб, дарсларни осон ўзлаштирмоқда. Би-лим масканида маънавий-маърифий тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши эса ўғил-қизларнинг кенг дунёка-рашли инсон бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

Суратда: она тили ва адабиёт ўқитувчиси Фароғот Маҳмудова ўқувчилар билан

Бор бўл, оқибат!

Ичимлик суви танқисли-ги муаммоси тўлиқ ҳал этил-ди. Янги артезиан кўтариш мосламаси қурилиб, тоза сув олиб келинди. Тарбияла-нувчиларнинг оқватларини, кийим-кечакни, ўқув қуролла-ри билан таъминланиши, турли байрам тадбирлари-нинг ўтказилиши мажмуа раҳбарияти ва касабга уюш-ма кўмитасининг доимий эътиборида.

Ёғи соғломлаштириш даврида ўғил-қизлар Шаҳ-рида туманидаги «Лочин» оромгоҳида хордиқ чиқар-дилар. Шунингдек, 9 мил-бўйича етук мутахассис бўлишига замин яратилди. Бир кам дунё, дейдилар. Абдузоқир ўч ёшида ҳам отасидан, ҳам онасидан аж-рилиб, 5 ака-ука кекса бу-висининг қарамоғида қолиб кетди. Тақдир тақозоси би-лан Меҳрибонлик уйига кел-тирилди. Бу ерда жонқуяр тарбиячи ва устозлар ёрда-ма кўмитасининг доимий эътиборида.

Ҳамма ўсмирлардек қал-бида орзулари бисёр эди. Нефть ва газни қайта ишлаш бўлимига ҳужжат топширди. Рафиға муяссар бўлишди. Улар Истанбул, Анталия шаҳарлари, Қора денгиз соҳиллари, қондош юрт-нинг тарихий ёдгорликла-рини завқ билан томоша қилишди. Туркиялик Че-рен, москвалик Никита, Оля, Лимара каби болалар билан дўстлашдилар. Айни пайтда бир-бирлари-га биродарлик мактубла-ри бориб турибдилар. Меҳрибонлик уйининг болалари гигант қорхона раҳбари Алишер Султо-новни ҳаммиша орзиқиб кутадилар.

Мажмуа етакчиоининг иши қанчалик кўп бўлма-си, болалар билан учра-шишга вақт топади, — дей-ди тарбияланувчи Олиса Абибуллаева. — Айниқса, биз билан бозорга бориб, кийим-кечак, оёқ кийим-лари олиб берганлари ҳеч эсимиздан чиқмайди. Ўғил-қизларнинг орзу-лари бир олам. Олиса ва Нодирабегим шифокор бўлиб, халқ соғлигини му-стаҳкамлашга ҳисса қўшишга аҳд қилишган. Владимир, Еркин, Кристи-на, Виталийлар келгусида нефть-газ соҳасида ишлаш нииятида. Айни пайтда улар умумтаълим мактабининг 9-синфида аъло баҳолар-да билим олишаяпти.

Кўнгилик кўнгиликдан сув ичар

Саховат - инсонийлик боғининг мевали нихоли-дир. Биз Қамачи туманида-ги Мирзо Улугбек номили 4-Меҳрибонлик уйида бўлганимизда жамоа тарбия-ланувчилари ва тарбиячи-лари Шўртан газ-кимё маж-муаси раҳбариятининг хайр-ли амаллари ҳақида фахр-ланиб сўзлаб беришди. Меҳрибонлик уйи 2000 йилдаги зилзила туғайли а-нча-мунча талафот кўрган эди. Нефтьгаз қорхонаси ҳомийлигида болалар мас-кани қайтадан таъмирланди. Тарбияланувчиларнинг я-шаш, ўқиш ва дам олиш шароитлари тўдан яхши-ланди. Ошхона мукаммал таъмирланиб, керакли жи-ҳозлар билан таъминланди.

Шартнома асосида ўқишга кирди. Контракт пулини тўлаш қийин бўлганлиги учун уйлорда қолди. — Ана шунда газ-кимё мажмуаси раҳбарияти катта ҳиммат кўрсатиб мендан ўз марҳаматини дариг тутмади, — дейди биринчи курс та-лабаси А. Нормуродов. — Меҳрибонлик уйи, қалби пок ҳомийлар ишончини оқлаб, мамлакатимиз равнақи учун хизмат қиладиган мутахас-сис бўлиб етишаман. Тарбияланувчилар Кристи-на Мартиосова, Еркин Зи-ланов, Владимир Паруничи, Нодирабегим Башманова, Олиса Абибуллаева, Вита-лий Суяндуклар Туркия-даги «Пинара» болалар оромгоҳида дам олиш ша-

рафиға муяссар бўлишди. Улар Истанбул, Анталия шаҳарлари, Қора денгиз соҳиллари, қондош юрт-нинг тарихий ёдгорликла-рини завқ билан томоша қилишди. Туркиялик Че-рен, москвалик Никита, Оля, Лимара каби болалар билан дўстлашдилар. Айни пайтда бир-бирлари-га биродарлик мактубла-ри бориб турибдилар. Меҳрибонлик уйининг болалари гигант қорхона раҳбари Алишер Султо-новни ҳаммиша орзиқиб кутадилар.

Мажмуа етакчиоининг иши қанчалик кўп бўлма-си, болалар билан учра-шишга вақт топади, — дей-ди тарбияланувчи Олиса Абибуллаева. — Айниқса, биз билан бозорга бориб, кийим-кечак, оёқ кийим-лари олиб берганлари ҳеч эсимиздан чиқмайди. Ўғил-қизларнинг орзу-лари бир олам. Олиса ва Нодирабегим шифокор бўлиб, халқ соғлигини му-стаҳкамлашга ҳисса қўшишга аҳд қилишган. Владимир, Еркин, Кристи-на, Виталийлар келгусида нефть-газ соҳасида ишлаш нииятида. Айни пайтда улар умумтаълим мактабининг 9-синфида аъло баҳолар-да билим олишаяпти.

Ким қанча ишлаб олди?

Бировнинг даромадини ҳисоблаш азалдан бошқаларга қизиқ туюлади. Маълум бўлишича, 2006 йилнинг шу кунигача Амели Моресмо теннисчи аёллар ўртасида энг кўп пул ишлаб олибди. Франциялик ракетка устасининг даромади 1 миллион 287 минг 892 долларни ташкил қилган бўлса, иккинчи ўринда россиялик Мария Шара-пова бораётди. Унинг муқофот жағмараси 951 минг 850 долларни ташкил этгани маълум қилинди.

Хатолар бошқа такрорланмайди

Шахтёрлар бир марта хатога йўл қўйишади, яъни қис-мат уларга бунинг такрорлаш имкон бермайди, дейи-шади. Худди шундай ҳайдовчилар ҳам. Айниқса, пойга-чилар. Джанкарло Физикелла Сан-Марино «Гран-при»-сида йўл қўйган ҳатосини бошқа такрорлашга астойдил ваъ-да қилаётгани бежиз эмас. Чунки трассадда юз берган озгина хато сўнгисини бўлиши ёки спортчининг бутун сая-ҳаракатини чиппака чиқариши мумкин. Шундай ҳам бўлди. Кичкина хато уни кучли ўликка кириш ҳуқуқидан маҳрум этди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ISHONCH
МУАССИСА:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Телефонлар:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.